



## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ПАЙТ МУНОСАБАТЛИ МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ

*Ибаев Анвар*

*Самарқанд Давлат Чет Тиллар Институти мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмалар (МСҚ) компонентлари орасида замон муносабати мавжуд бўлади; бунда тобе компонентдаги ҳаракат, хусусият ҳоким компонентдаги ҳаракат, хусусият билан баробар, бир вақтда рўй бериши ёки ундан олдин ё сўнг юзага келиши мумкин. Бу маъноларнинг ҳар бири ўзига хос грамматик белгилар, тобе гап кесимларининг семантикаси, махсус сўзлар орқали ифодаланади ёки контекстдан аён бўлади. Мақолада пайт муносабатли МСҚларнинг деривацион хусусиятлари тўғрисида айрим мулоҳазалар юритилган.

**Калит сўзлар:** Мураккаб синтактик қурилмалар, оператор, полиоператор, дубльоператор, дериват, боғловчи воситалар, сифатдош.

Маълумки, пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмалар (МСҚ) компонентлари орасида замон муносабати мавжуд бўлади; бунда тобе компонентдаги ҳаракат, хусусият ҳоким компонентдаги ҳаракат, хусусият билан баробар, бир вақтда рўй бериши ёки ундан олдин ё сўнг юзага келиши мумкин. Бу маъноларнинг ҳар бири ўзига хос грамматик белгилар, тобе гап кесимларининг семантикаси, махсус сўзлар орқали ифодаланади ёки контекстдан аён бўлади<sup>1</sup>.

Пайт муносабатли МСҚлар компонентларини сифатдошнинг қандай шакли боғланмасин, деривацион нуқтаи назардан улар оператор мақомини олади. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсланганда бу воситалар шакл жиҳатидан ўзгарса-да, бажарадиган функцияси жиҳатидан бир хил мақомда бўлади. Демак, мураккаб синтактик қурилма компонентларининг бирикуви натижасида ҳосил бўлган ситуациялар умумлашиб, бир бутун ҳолда шаклланади ва ана шу тарзда МСҚ синтактик деривацияси воқеланади.

Пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмаларнинг синтактик деривацияси жараёнида биз кўпроқ нисбатан мураккаб ҳолатга дуч келамиз. Бу, асосан, тобе қисмининг функционал транспозицияси (бу ерда бир гап бўлагидан бошқа гап бўлагига кўчиш. (А.И.)) жараёнининг табиатидан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, функционал транспозиция жараёнида мустақил содда гап камида иккита оператор ёрдамида ўз шаклини ўзгартиради Масалан:

*1. Ичкаридан чиққан чол-кампирлар меҳмон билан кўришаётганда Тоҳир қорайиб турган икки гилдиракли соябон аравани кўрди.*

Берилган мисолда, мустақил жумла сифатида функционал транспозициядан олдин гапнинг тобе қисми қуйидаги шаклга эга эди:

*Ичкаридан чиққан чол-кампирлар меҳмон билан кўришаётган эди.*

Функционал транспозиция жараёнида, албатта, қўшимча элементлар талаб қилинади. Акс ҳолда, мустақил гапдан мустақил бўлмаган жумлани яратиш мумкин эмас. Бу ҳолда

<sup>1</sup>. Қаранг: Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1968. – Б.142.



биргаликда битта шаклини ташкил қиладиган сифатдош шаклининг **-ган** аффикси ва **-да** келишик кўшимчаси, (кўришаётганда) кўшимча элементлар сифатида танланади. Зеро, улардан бирининг йўқлиги ҳозирги транспозиция ҳодисасининг тўлиқ йўқ қилинишига олиб келади.

Шу сабабдан ҳам Н.К.Туриёзовга эргашган ҳолда бундай элементларни, биз ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, синтактик деривациянинг дубльоператори деб номлашни жоиз деб топдик. Чунки функционал транспозицияни яқунлаб, улар деривацион элементларга айланади<sup>2</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, мураккаб синтактик қурилмаларнинг синтактик деривацияси доирасида дубльоператорлар тобе қисм томонидан узатиладиган маълумотларнинг синтактик қурилишини мураккаблаштириш учун эмас, балки семантик мақсадлар учун ишлатилади.

Масалан, юқоридаги жумлада, дубльоператор орқали бош ва тобе қисмлардаги ҳаракат бир вақтнинг ўзида содир бўлаётганлигини англаш мумкин. Шу сабабдан ҳам бўлса керакки, мазкур МСҚнинг мазмуний томонини полиоператорлар ёрдамида етказилиши мумкин эмас.

Н.К.Турниёзов таъкидлаганидек: “сифатдош кўшимчаси орқали шаклланган пайт эргаш гапли кўшма гаплар гипотаксиснинг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Унда сифатдош шакллари **-а/р**, **-мас**, **-масдан**, **-ган** каби турли хил ёрдамчи элементлар билан гипотаксис синтактик деривацияси жараёнида асосий семантик элемент, деривация оператори, бўйсунувчи қисм учун транспозитор сифатида майдонга чиқади”<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат, пайт муеосабатли мураккаб синтактик қурилманинг синтактик ҳосиласи жараёнида сифатдош шаклининг турли ёрдамчи элементларга эга аффикслари функционал фаол воситага айланади. Уларга нафақат тобе қисмнинг функционал транспозицияси, балки бутун бир мураккаб жумланинг бутун синтактик тузилишини ўзгартириши ҳам боғлиқ:

*Ҳамма ёғийдан қочганда, биз аждаҳонинг комига яқин келиб қолганимиз галати бўлди. (П.Қодиров. Юлдузли тунлар).*

Берилган мураккаб синтактик қурилма компонентларининг боғланиш усули юқорида таҳлил қилинган жумла усулларига ўхшайди, бу ерда дубльоператор **-ганда** воситаси хизмат қилмоқда. Кўп ҳолларда дубльоператор компонентлари ўртасида тегишли аффикс **/ган-и-да/** ҳам бўлиши мумкин, аммо бу синтактик деривация усулига таъсир қилмайди, бундай ҳолларда тегишли аффикс грамматик мақсадларда, яъни ҳаракатни бажарувчи шахсни аниқлаш мақсадида ишлатилади:

*Бобур мулозимлари билан машқ майдонидан чиқаётганида кўнглида янги бир истак уйғонди.*

Шуни таъкидлаш керакки, **-ганида** доирасида тегишлилик аффикси учинчи элемент эмас, уни дубльоператорнинг таркибий қисмларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун, бундай ҳолларда, оператор икки қисмдан иборат: **-гани + да**.

Шу билан бирга, уч қисмли дубльоператорлар ҳам мавжуд бўлиб, бундай операторларда **-да** кўшимчаси сифатдош шаклининг аффиксидан ажратилади ва бошқа элементга бириктирилади, бу эса тобе компонентнинг замон режасини бевосита кўрсатади:

*Улар офтоб уфққа яқинлашган пайтда Андижон қўрғонига кириб келдилар(П.Қодиров. Юлдузли тунлар).*

<sup>2</sup> Қаранг: Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке//Автореф. докт. дис. -М.,1985.-С.25-28.

<sup>3</sup> Қаранг: Кўрсатилган иш, 25-бет.



Юқоридаги жумланинг синтактик ҳосиласини амалга оширишда, дубльоператорнинг учта элементи ҳам иштирок этса-да, деривацион операциянинг асосий салмоғи **-ган** аффикси ва – да қўшимчасига юклатилган Бу, айниқса, мустақил гапларнинг трансформация жараёни фақат **-ган** ва **-да** ёрдамида амалга оширилганда яққол кўзга ташланади:

*Мулла Фазлиддин ўзларидан беш-олти уй нарида турадиган бир хаттот оинасиникида ифтор қилиб ўтирарди. Қандайдир номаълум кишилар шу пайтда унинг уйига бостириб киради.* —→ *Мулла Фазлиддин ўзларидан беш-олти уй нарида турадиган бир хаттот оинасиникида ифтор қилиб ўтирганд, қандайдир номаълум кишилар унинг уйига бостириб киради.*

Бизнингча, пайт, вақт, дақиқа, дам ва бошқа шу каби қўшимча элементлар пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмалар доирасида синтактик мақсадларда эмас, балки тобе компонентнинг замон режасини янада таъкидлаш учун ишлатилади, чунки мураккаб комплекснинг синтактик яхлитлиги ушбу элементларсиз ҳам муваффақиятли шаклланади. Демак, улардан фойдаланиш мураккаб синтактик қурилманинг семантик режаси билан белгиланади. Бироқ, шундай бўлса ҳам, улар ихтиёрийдир.

Юқоридаги жумлаларнинг синтактик жиҳатдан синонимик версияси икки оператор **-ганда** ва **-ган пайтда** операторларнинг ўрнига пайт муносабатини билдирувчи **-са** монооператорини деривацион элемент сифатида ифодаланиши мумкин:

*Мулла Фазлиддин сандиқнинг ёнига борганида, унинг қулфи бузилиб очилиб ётганини кўрди.* —→ *Мулла Фазлиддин сандиқнинг ёнига борса,...*

**-ганда** дубльоператор билан воқеланган пайт муносабатли МСҚларнинг синтактик деривация жараёни **-гандаёқ** уч қисмли операторга ҳам бўйсунishi мумкин. Бу оператор **-оқ** (ёки унинг алломорфи **-ёқ**) юкламалари билан кенгайди. Ушбу шаклдаги оператор бош ва тобе компонентларда ифодаланган ҳаракатнинг бир лаҳза оралиғида бажарилганлигини ифодалайди. Шу билан бирга, бош компонентдаги ҳаракатнинг амалга ошиши даражаси нисбатан кучаяди. Бироқ бу юклама деривацион жараёнга ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳосилаларни ташкил этувчи асосий элементлар **-ган** ва **-да** саналади:

1. *Элчилар ёмон хабар билан кайтгандаёқ, кўприкдаги соқчилар кўрғонга қочиб кетишган...*

2. *As soon as Mr. Rochester arrived, the whole house came to life (Jane Eyre. Charlotte Bronte).*

Кўринадики, инглиз тилидаги мисолда ўзбек тилида берилган мисолдаги – **гандаёқ** мазмунини **As soon as** воситаси бeryпти.

Юқоридагилар билар бир қаторда таъкидлаш лозимки, МСҚлар доирасида пайт муносабатини нисбий сўзлар ҳам беради. Бунда нисбий сўзлар ҳам биргаликда дубльоператор мавқеида келади:

— *Мен Танбал билан мураса қилолмагаймен! Амирзодам, менга ижозат беринг, бу ердан кетай! Сиз қачон чакиртирсангиз, ўшанда мен яна келгаймен! (П. Қодиров Юлдузли тунлар).*

*When you finish the job, then I'll let go (The Adventures of Tom Sawyer. Mark Twain).*

Келтирилган мисолларда **қачон** – **ўшанда**, **When** – **then** каби нисбий сўзлар қатнашиб, мазкур сўзлар ҳар иккала тилда келтирилган мураккаб синтактик қурилмалар деривациясининг дубльоператорлари мақомида келмоқда. Бу воситалар МСҚ семантик мазмунига кўра пайт маъносини ифодалаб, иш ҳаракатнинг келажакда бажарилиш пайтини билдираяпти.



Умуман олганда, инглиз тилида ҳам ўзбек тилида ҳам МСҚ синтактик деривацияси масаласи янги йўналиш эмас. Бу муаммонинг кўпгина томонлари ўрганилганлиги билан бир қаторда ҳали яна очилмаган баҳсталаб масасалалар талайгина. Синтактик қурилмаларнинг деривацион хусусиятларини инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида таҳлилий ўрганиш ҳам шулар жумласидандир.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1968. – Б.142.
2. Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке//Автореф.докт.дис. -М.,1985. 28 с.
3. Эркинов, С. Э. (2019). ОСНОВЫ ТЕОРИИ ТЕРМИНОЛОГИЧЕСКОГО ПОЛЯ ОТНОСИТЕЛЬНО ВОЕННО-ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ЯЗЫКОВОЙ СФЕРЫ. *ХАБАРШЫСЫ*, 3, 164.
4. Эркинов, С. Э. ОСОБЕННОСТИ КЛАССИФИКАЦИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ ПО СОДЕРЖАТЕЛЬНЫМ ПРИЗНАКАМ. *ББК 74.48 P 76*, 336.
5. Suhrob, E., & Vasila, K. (2022). PARTS OF SPEECH AND SENTENCE STRUCTURE IN ENGLISH GRAMMAR. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(7), 156-160.
6. Холмурадова, Л. Э. (2012). Семейные ценности англичан, отраженные в английской фразеологической картине мира. *Вестник Челябинского государственного университета*, (5 (259)), 161-163.
7. Eshkuvatovna, K. L., & Furkatovna, S. D. (2022). The Analysis of the Usage of Lexical Transformations in the Translation of the Words Expressing the Concept "Hospitality". *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 16, 101-104.
8. Eshkuvvatovna, K. L., Tuychievna, M. S., & Furkatovna, S. D. (2021). Comparative analysis of the usage of concept "hospitality" in the phraseological units of English, Russian and Uzbek languages on the basis of the English translation of the novel "Silence" by S. Ahmad. *Linguistics and Culture Review*, 5(S1), 1640-1648.
9. Ибаев, А. (2021). Сравнительно-синтаксические примеры как объект изучения языкознания. *Общество и инновации*, 2(8/S), 153-159.
10. Ибаев, А. Ж. (2021). КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(1-1).
11. Ибаев, А. (2021). Comparative syntactic devices as an object of language study. *Общество и инновации*, 2(8/S), 153-159.
12. Қўлдошов, Ў. Ў. (2022). БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 670-678.
13. Қулдошов, У. У. (2021). ТАРЖИМАДА КОНВЕРСИВЛИК ВА АНТОНИМЛИК МУНОСАБАТИНИНГ БЕРИЛИШИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(1-2).